

2/2022,  
mart-aprel  
(№ 00058)



## ИНВЕСТИЦИЯ САЛОҲИЯТИ ВА ИҚТИСОДИЁТДА УНДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ

**Аймухаммедова Амина Какажановна**

Тошкент давлат иқтисодиёт университети Корпоратив иқтисодиёт ва бизнес таҳлили кафедраси катта ўқитувчиси. Ўзбекистон, 100003, Тошкент ш., Чилонзор тумани, Ислом Каримов кўчаси, 49- уй.  
[aymukhamedova71@bk.ru](mailto:aymukhamedova71@bk.ru)

Article DOI: [10.55439/EIT/vol10\\_iss2/a9](https://doi.org/10.55439/EIT/vol10_iss2/a9)

### Аннотация

Мақолада инвестиция салоҳияти тўғрисидаги илмий-назарий қарашлар келтирилган, инвестициялардан самарали фойдаланиш услубиёти ёритилган, мамлакатимиз иқтисодиётига инвестиция киритиш кўрсаткичлари таҳлил қилинган ва инвестиция салоҳиятидан самарали фойдаланилиши бўйича таклифлар берилган.

**Калит сўзлар:** инвестициялар, инвестиция салоҳияти, инвестициялар ҳажмига таъсир этувчи омиллар, мультипликатор самараси, инвестиция манбалари, ички инвестициялар, инвестиция салоҳиятидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари.

### Аннотация

В статье проведены научно-теоретические взгляды об инвестиционном потенциале, освещены методологии эффективного использования инвестиций, проанализированы показатели по выведению инвестиций в нашей стране, даны рекомендации по эффективному использованию инвестиционного потенциала.

**Ключевые слова:** инвестиции, инвестиционный потенциал, факторы влияющие на объём инвестиций, эффект мультипликатора, источники инвестиций, внутренние инвестиции, мероприятия по эффективному использованию инвестицией.

### Abstract

The article provides scientific and theoretical views on the investment potential, highlights the methodologies for the effective use of investments, analyzes the indicators for the withdrawal of investments in our country, and gives recommendations on the effective use of investment potential.

**Key words:** investments, investment potential, factors influencing the volume of investments, multiplier effect, sources of investments, internal investments, measures for the effective use of investments.

### Кириш

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг кейинги босқичларида мамлакатнинг инвестицион салоҳиятини ошириш ва иқтисодиётга инвестициялар киритиш ҳажмини ошириш масалаларига кенг эътибор берилмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида “Мамлакатда инвестиция муҳитини янада яхшилаш ва унинг жозибадорлигини ошириш, келгуси беш йилда 120 миллиард АҚШ доллари, жумладан 70 миллиард

доллар хорижий инвестицияларни жалб этиш чораларини кўриш” вазифаси белгилаб берилди [1].

Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент халқаро инвестиция форумида сўзлаган нутқларида иқтисодиётни ислоҳ қилишда мамлакатимизда инвестициялар киритилиши борасида охириги йилларда эришилган натижалар ҳақида айтиб ўтдилар, жумладан, охириги 5 йилда иқтисодиётимизга жалб қилинган йиллик хорижий инвестициялар ҳажми уч ярим баробарга ошиб, уларнинг умумий қиймати 25 миллиард долларни ташкил этган. Бунинг ҳисобига 59 мингта инвестиция лойиҳаси амалга оширилиши натижасида 2,5 миллиондан ортиқ янги иш ўринлари яратилишига муносиб ҳисса қўшган [2].

Ўзбекистонга келгуси беш йилда давлат-хусусий шериклик асосида энергетика, транспорт, соғлиқни сақлаш, таълим, экология, коммунал хизматлар, сув хўжалиги ва бошқа соҳаларга 14 млрд АҚШ долларга тенг инвестиция жалб этилиши кутилмоқда. Республика ҳудудлари ва хорижий мамлакатлар бизнес вакиллари ўртасида ташқи иқтисодий алоқаларни ўрнатиш назарда тутилган [1].

Янги Ўзбекистоннинг келажақдаги тараққиёти иқтисодиётга инвестиция киритиш билан бевосита боғлиқ ва бу бўйича мавжуд инвестицион салоҳиятдан самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун бугунги кунда мазкур ишнинг мавзуси долзарб ҳисобланади.

Мазкур тадқиқотнинг мақсади инвестицион салоҳият билан боғлиқ илмий тушунчаларни ёритиш ва мамлакатнинг инвестицион салоҳиятидан самарали фойдаланиш чора-тадбирларини таклиф этиш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг вазифалари сифатида инвестицион салоҳият билан боғлиқ назарий тушунчаларни ёритиш, мамлакат иқтисодиётига инвестиция киритиш кўрсаткичларини таҳлил қилиш, инвестициялардан самарали фойдаланиш жараёнларини услубий асослаш ва мавжуд инвестиция салоҳиятидан самарали фойдаланиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Мазкур тадқиқотнинг натижалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон, 2019 йил 14 майдаги “Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастурини шакллантириш ва амалга оширишнинг сифат жиҳатидан янги тизимга ўтиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5717 сонли ва 2020 йил 18 августдаги “Республикада экспорт ва инвестиция салоҳиятини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6042 сонли Фармонларининг ижроси таъминланишига маълум даражада ёрдам беради.

### **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили**

Мамлакат ва уни ҳудудларининг инвестицион салоҳияти ҳақида кўплаб хорижий ва маҳаллий иқтисодчи олимлар ўзларининг фикрларини билдирганлар. Жумладан:

Руминиялик олимлар мамлакат миллий иқтисодиётига кирган хорижий компаниялар инвестиция стратегияларида минтақавий хусусиятларни инобатга олишини асослаб берганлар. Уларни тадқиқотига кўра инвесторлар Руминия ҳудудларини 2 та алоҳида иқтисодий минтақа сифатида кўради. Бунда биринчи минтақада инвестицияларни жалб қилишда муҳим омиллар сифатида янги бозорларнинг мавжудлиги, малакали ишчи кучи ва инфратузилма имкониятлари келтирилган. Иккинчи минтақа инвесторларни ўзининг арзон нархаларга эгалиги билан қизиқтирган [3].

Хитойлик олим Ф.Хиаолан мамлакатнинг инновацион салоҳияти ошишининг унумдорликка таъсирини таҳлил этади. Унинг тадқиқотлари натижаларига кўра, инвестициялар умумий инновация салоҳиятига салмоқли ижобий таъсир кўрсатади. Аммо бу таъсир қабул қилувчи миллий иқтисодиётнинг абсорбцион салоҳияти ва инновацияларни таъминловчи омилларнинг мавжудлигига боғлиқ бўлади [4].

Араб олимларидан Ч.Эмирулла ва М.Азамларнинг фикрига кўра, “Инвестиция салоҳияти макроиқтисодий барқарорлик, сиёсий барқарорлик, маҳаллий капитал бозорларининг ривожланиши, бошқарув муҳити, қонунчилик базаси, давлат органлари самарадорлиги, коррупция даражаси ва бозор шароитлари билан бевосита боғлиқ” [5].

Россиялик олимлардан А.М.Марголин “Инвестиция салоҳияти бу маълум даражада тартибланишган инвестиция ресурсларининг йиғиндиси бўлиб, улардан фойдаланиш синергизм самарасига эришишни таъминлайди” – деб таъкидлайди [6].

С.А.Трухиннинг эътирофи бўйича “Инвестиция салоҳияти меҳнат, истеъмол, ишлаб чиқариш, молиявий, институционал, инновацион, инфратузилма ва табиий-ресурс салоҳиятини баҳолаш орқали аниқланади” [7].

Д.Д.Деньгин “Иқтисодий-географик шароит, ишлаб чиқариш омиллари билан тўйинганлиги, аҳоли турмуш даражаси, уларнинг истеъмол талаби минтақа инвестиция салоҳиятини белгилайди” –деган қарашни билдиради [8].

Л.Д.Зубкованинг фикрига кўра, “Инвестицияларга бўлган эҳтиёжни (инвестиция талаби ва таклифи) қондирувчи объектив хусусиятлар, воситалар, имкониятлар, омиллар (инвестиция ресурслари ва улардан фойдаланиш йўналишларининг мавжудлиги) йиғиндиси сифатида тушунади” [9].

Е. Абрамов ўз тадқиқотида ҳудудларнинг инвестицион жозибадорлик даражасини ҳисоблашда, иқтисодиёт ва инфратузилмаларнинг ривожланиш даражасини, молиявий ресурслар билан таъминланганлик, демографик вазият, бозор муносабатларининг ривожланиши ҳамда инвестицион фаолиятнинг хавфсизлиги даражаларини ўз ичига олувчи кўрсаткичларидан фойдаланишни тавсия этади [10].

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан Ш.Мустафақуловнинг фикрича, ҳудудларнинг инвестицион потенциални 9 та гуруҳ омил (табиий ресурс салоҳияти, ишлаб чиқариш салоҳияти, инновацион салоҳияти, меҳнат салоҳияти, молиявий салоҳият, институционал салоҳият, инфратузилма салоҳияти, истеъмол салоҳияти, туристик салоҳият)ларга бўлган ҳолда талқин қилиш мумкин [11].

Инвестицион салоҳиятни белгилаб берувчи омиллар иқтисодчи олим Б.Валиев томонидан 10 та гуруҳ (ишлаб чиқариш салоҳияти, инвестицион фаоллик, меҳнат салоҳияти, истеъмол салоҳияти, табиий-ресурслар салоҳияти, инфратузилма салоҳияти, институционал, экспорт, инновацион, илмий-таълим салоҳияти)га бўлиб ўрганилган ва ушбу омиллар асосида Ўзбекистон Республикаси ҳудудларининг инвестицион салоҳияти баҳоланган [12]. Ушбу тадқиқот натижаларига кўра, инвестицион салоҳият даражасига мос равишда Республика ҳудудлари 3 та гуруҳ (юқори, ўрта, қуйи даража) га бўлинган.

Бизнинг фикримизча, инвестиция салоҳияти давлат, аҳоли, корхона ва ташкилотларнинг бўш пул маблағларидан иборат бўлиб, давлат томонидан бу маблағларни иқтисодиётга инвестиция сифатида киритиш жараёнларини рағбатлантирувчи тизим ишлаб чиқиши ва уни амалда қўллаш орқали иқтисодиётга киритиладиган инвестициялар ҳажмини ошириши лозим.

#### **Тадқиқот методологияси**

Инвестиция салоҳиятини баҳолашда инвестициялар ҳажмига таъсир этувчи омилларга эътибор қаратиш керак.

Инвестиция даражасини иккита асосий омил белгилаб беради:

- 1) инвестиция харажатларидан кутилаётган фойда нормаси;
- 2) фоиз ставкаси.

Фойда инвестиция харажатлари ҳаракатлантирувчи мотив ҳисобланади. Тадбиркорлар инвестицияларни уларга фойда келтирсагина киритадилар.

Инвестициялар даражасини белгилайдиган иккинчи омил фоиз ставкаси ҳисобланади. Фоиз ставкаси - асосий капитални сотиб олиш учун зарур бўлган, банкдан олинган ссуда капиталига тўлаш лозим бўлган пул миқдори.

Иқтисодиётга инвестициялар киритиш ва уларнинг омиллари тўғрисида неоклассиклар ва кейнсчилар илмий мактаблари ўзларининг илмий қаришларини билдирганлар. Неоклассиклар инвестицияларни капиталнинг оптимал миқдорини ( $K^*$ ) реал фоиз ставкасининг пасайиш функцияси ( $r$ ) ва реал даромаднинг ( $y$ ) ортиб бораётган функцияси сифатида изоҳлайдилар[13]:

$$K^* = K^*(r, y) \quad (1)$$

Улар томонидан инвестициялар оптимал капитал ( $K^*$ ) ва реал капитал ( $K$ ) ўртасидаги фарқга, шунингдек реал капиталнинг ( $a$ ) оптимал даражага мослашиш тезлигига боғлиқ деб баҳоланган:

$$I = a(K^* - K), \quad a < 1 \quad (2)$$

Ўз навбатида, мослашиш тезлиги нархга боғлиқ бўлиб, унинг инвестицияларга таъсири қўйидаги кўринишга эга бўлган ( $P_k$ ):

$$A = a(P_k) \quad (3)$$

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда неоклассиклар томонидан умумий инвестиция функцияси қўйидаги кўринишда ифодаланган:

$$I = a(P_k)[K^*(r, y) - K] \quad (4)$$

яъни, инвестициялар ҳажми  $r$ ,  $y$ ,  $P_k$  дан боғлиқ бўлади.

Инвестиция киритишнинг иқтисодиёт ривожланишига таъсирини баҳолашда кейнсчилар мультипликатор самараси усулини қўллаганлар.

Маълумки, ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) таркибий қисмининг унсурлари ( $C$  - истеъмол харажатлари,  $I$  - инвестиция харажатлари,  $G$  - давлат харажатлари ва  $X_n$  - соф экспорт)дан ихтиёрий бирининг бир мартага ошиши ЯИМ ҳажми бир неча баробар ошишига олиб келади. Бу автоном харажатлар мультипликатори орқали аниқланади. Автоном харажатларнинг ҳар қандай ўсиши  $\Delta A = \Delta(a + I + G + X_n)$  мультипликатор самараси ҳисобига ЯИМ ҳажмини кўпроқ миқдорда ( $\Delta Y$ ) оширади.

Мультипликатор - ЯИМ автоном харажатларнинг (масалан, инвестицияларнинг) дастлабки ўсишидан неча марта ортиқ ўсишини кўрсатади. Автоном харажатлар сифатида инвестицияларни олиниб, мультипликатор формуласини қўйидача ифодаланади[14]:

$$m = \frac{\Delta Y}{\Delta I} \dot{e}_{ки} \frac{1}{1 - MPC} \quad (5)$$

Бу ерда:  $m$  – автоном харажатлар мультипликатори;

$\Delta Y$  – мувозанатли ЯИМ нинг ўзгариши;

$\Delta I$  – инвестицияларнинг  $Y$  ўзгаришига боғлиқ бўлмаган ўзгариши;

$MPC$  – истеъмолга чекланган мойиллик.

### **Таҳлил ва натижалар**

Мамлакатимиз иқтисодиётига кейинги йилларда жалб этиладиган инвестициялар ҳажмини таҳлил қиладиган бўлсак, 2020 йилда Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ва ижтимоий соҳаларни ривожлантириш учун жами молиялаштириш манбалари ҳисобидан 202,0 трлн. сўм ўзлаштирилди. Доллар эквивалентида 20,1 млрд. АҚШ долл. ўзлаштирилган бўлиб, 2019 йилга нисбатан 91,8 % ни ташкил этди.

Ўзбекистонда 2020 йилда инвестицион фаолликнинг пасайиши кузатилди, 2019 йилга нисбатан асосий капиталга инвестицияларнинг ўсиш суръати 91,8 % ни ташкил этди. 2020 йилда 202,0 трлн.сўм асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилди, улардан 65,4 % и ёки 132,0 трлн. сўм жалб қилинган маблағлар ҳисобидан, қолган 34,6 % и ёки 70,0 трлн. сўм, корхона ва аҳолининг ўз маблағлари ҳисобидан ўзлаштирилди. Марказлашган молиялаштириш манбалари ҳисобидан 39310,2 млрд. сўм ёки жами инвестициялар ҳажмининг 19,5 % и ва 2019 йилга нисбатан 8,0 % га кам асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилди. Марказлашмаган молиялаштириш манбалари ҳисобидан 162689,9 млрд. сўм ёки жами ҳажмдан 80,5 % инвестициялар ўзлаштирилган бўлиб, бу кўрсаткич 2019 йилга нисбатан 8,0 % га кўпайди. 2020 йилда корхона ва ташкилотларнинг ўз маблағлари ҳисобидан 51911,3 млрд. сўм асосий капиталга инвестиция ўзлаштирилган бўлиб, жами инвестицияларни 25,7 % ини ташкил этди. Аҳоли маблағлари ҳисобидан эса 18077,8 млрд. сўм ёки 8,9 % ўзлаштирилди. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобидан 28740,5 млрд. сўм ўзлаштирилиб, 2019 йилга нисбатан 5,3 % пунктга камайиб, жами инвестицияларнинг 14,2 % ини ташкил этди.

Мамлакатимизга 2021 йилда асосий капиталга инвестициялар 244,9 млрд. сўмни ташкил этди. Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларни ЯИМдаги улуши 33,3 фоизга тенг бўлди ва асосий капиталга инвестициялар ҳажмининг ўсиши 2021 йилда 2020 йилга 105,2 фоизни ташкил этди [14].

Биз, масалан, Ўзбекистон иқтисодиётига 2021 йилда 2020 йилга нисбатан 24 трлн.сўмлик ортиқча инвестиция киритилган деб ҳисоблаб, унинг мультипликатор самараси асосида кўпайиши 1-жадвал орқали ҳисобладик.

**1 - жадвал**

### **Ўзбекистон иқтисодиётига киритилган инвестицияларнинг мультипликатор самараси асосида кўпайиши[15] (трлн. сўм)**

<b>Даромадларнинг ўзгариши</b>	<b>Истеъмол харажатлари ўзгариши</b>	<b>Жамғаришнинг ўзгариши</b>
24	18	6
18	13,5	4,5
13,5	10,12	3,38
10,12	7,59	2,53
7,59	5,69	1,90
5,69	4,27	1,42
3,20	2,40	0,80
2,40	1,80	0,60
.	.	.
.	.	.
96	72	24

Бу учун мамлакатимизда истеъмолга чекланган мойиллик 0,75 ва жамғаришга чекланган мойиллик 0,25 ни ташкил этади деб қабул қилдик. Мультипликатор самарасининг моҳиятини ёритишда юқорида келтирилган 5-формуладан фойдаландик.

$$\text{бундан: } m = \frac{\Delta Y}{\Delta I} = \frac{96}{24} = 4 \text{ ёки } m = \frac{1}{1 - MPC} = \frac{1}{1 - 0,75} = 4.$$

Демак, иқтисодиётга киритилган инвестициялар мультипликатор самараси асосида 4 мартага кўпаяди.

### **Хулоса ва таклифлар**

Инвестиция салоҳияти сифатида инвестиция манбаларига ҳам эътибор қаратиш керак бўлади. Инвестицияларнинг манбаларидан бири аҳоли кенг қатламларининг жамғармалари ҳисобланади. Бу ички инвестицияларнинг асосий манбаларидан бирини ташкил этади.

Инвестиция манбаларини ўрганишда шуни таъкидлаш лозимки, амалда жамғарма эгаси ва инвестор бир шахсда намоён бўлиши ва бўлмаслиги ҳам мумкин. Одатда, жамғармалар жамиятдаги кўпчилик субъектлар томонидан амалга оширилиб, улардан инвестиция сифатида фойдаланиш эса бутунлай бошқа субъектлар томонидан амалга оширилиши мумкин. Шунингдек, иқтисодиётда фаолият юритувчи саноат, қишлоқ хўжалик ва бошқа корхоналар жамғармаси ҳам инвестиция манбаи ҳисобланади. Бу ўринда "жамғарувчи" ва "инвестор" бир субъектда мужассамлашади.

Инвестициялар асосан қуйидаги манбалар ҳисобига амалга оширилади:

инвесторларнинг ўз молиявий ресурслари (фойда, амортизация ажратмалари, пул жамғармалари ва ҳоказо);

қарз олинган молиявий маблағлар (облигация заёмлари, банк кредитлари);

жалб қилинган молиявий маблағлар (акцияларни сотишдан олинган маблағлар, жисмоний ва ҳуқуқий шахсларнинг пай ва бошқа тўловлари);

давлат бюджети маблағлари;

бошқа маблағлар.

Ўзбекистонда инвестицияларни молиялаштириш манбалари тузилиши кейинги йилларда ўзгариб бормоқда. Жумладан, йилдан-йилга давлат бюджети маблағларининг улуши камайиб, аҳоли маблағлари корхона маблағлари, тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва нобюджет фондлар маблағларининг улуши ошиб бормоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, корхоналар ва аҳолининг бўш пул маблағларини иқтисодиётга ички инвестиция сифатида киритиш бўйича амалга ошириладиган чораларни янада жадаллаштириш ва бу борада уларнинг қизиқишларини оширадиган турли тадбирларни амалга ошириш керак.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар жараёнида инвестиция салоҳиятидан самарали фойдаланиш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш зарур:

инвестиция инфратузилмасини такомиллаштириш борасидаги чора-тадбирларни янада жадаллаштириш;

давлатнинг иқтисодиётдаги роли ва улушини кескин қисқартириш, жумладан давлат иштирокидаги корхоналар акцияларининг давлат улушини салоҳиятли инвесторларга самарали сотишга эришиш;

мамлакатимизда инсон капиталига киритиладиган инвестициялар ҳажмини оширишга кенг эътибор қаратиш;

иқтисодиёти рақамлаштириш жараёнилари янада жадаллаштириш, “яшил” технологиялар кенг эътибор қаратиш ва инвестицияларни киритишда инновацион ёндашувларни;

мамлакатимиз ва уни ҳудудларининг инвестицион жозибадорлигини ошириш, уларда бизнес муҳитини янада яхшилаш ва бошқалар.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Тошкент халқаро инвестиция форумида сўзлаган нутқи. Халқ сўзи 2022 йил 25 март.

3. Danciu Aniela Raluca, Strat Vasile Alecsandru, Main determinants of Foreign Direct Investments in Romania - A quantitative view of the regional characteristics involved in the investment strategies of foreign companies // Procedia - Social and Behavioral Sciences 58 (2012) 1193 – 1203.

4. Xiaolan Fu, “Foreign Direct Investment, Absorptive Capacity and Regional Innovation Capabilities: Evidence from China”, Abstract, Department of International Development University of Oxford October 2007.

5. Emirullah Ch., Azam M. Examining Public Private Partnerships in ASEAN countries: the role of investment climate // Theoretical and Applied Economics. 2014. Vol. XXI. № 2. P. 67 76.

6. Марголин А.М., Марголина Е.В. О возможных источниках инвестиций в реализацию национальной программы “Экология”. Экономика и управление: проблемы, решения. - М.:Издательский дом “Научная библиотека” 2018. ст. 36-42.

7. С.А.Трухин. Влияние цифровизации на развитие финансовых инструментов фондового рынка России правовые аспекты. Вестник Университета имени О.Е. Кутафина (МГЮА). 2020;(7):83-89.

8. Д.Д.Деньгин. Региональный инвестиционный потенциал: пути изучения и проблемы использования. Политематический сетевой электронный научный журнал Кубанского государственного аграрного университета. №109(05), 2015 г. стр. 18-27.

9. Л.Д.Зубкова Направления инновационного развития кономики Российской Федерации/ Издательство “Креативная экономика», ISSUE 11, pages 111-116.

10. Е.Абрамов. Инвестиционные фонды: Доходность и риски, стратегии управлением, объекты инвестирования в России. М: “Альпина Бизнес Бокус” 2005 г.

11. Ш.Мустафақулов. Инвестицион муҳит жозибадорлиги: назария, методология ва амалиёт. Монография. Тошкент: Маънавият.2017.

12. Б.Валиев. Оценка инвестиционного потенциала регионов на примере Республики Узбекистан. Региональная экономика: теория и практика, – Т.: IFMR. 2016., ст.111-130.

13. Modigliani F., Miller M. H. “The Cost of Capital, Corporation Finance and the Theory of Investment”. American Economic Review, 2008. 48(June), pp. 261-97.

14. Агапова Т.А., Серегина С,Ф. Макроэкономика. М.:“Дело и сервис”, 2011. ст.114.

15. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.  
<https://stat.uz>

16. Муаллиф ҳисоб-китоблари.